



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 16-avgust, seshanba,  
94 (23.661)-son

**КУН  
ҲИКМАТИ**

Режиссёрнинг маҳорати фақат актёрлар яхши ижросини таъминлашгина эмас, балки томошабин эҳтиёжидagi асарни танлай биланшда ҳамдир

**31**

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ!



## Энг маҳоратли ҳайкалтарошлар — меҳмонимиз

Жорий йилнинг сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити олдидан Ватанпарвар боғида "Самарқанд руҳи" лойиҳаси доирасида "Samarqand — 2022" халқаро ҳайкалтарошлик симпозиуми бошланди.



Ташкилотга аъзо давлатлар ва бошқа мамлакатлар ҳайкалтарошлари иштирок этаётган тадбирни Бош вазир ўринбосари — Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳақимов кириш сўзи билан очди.

Ушбу симпозиумда Эрон, Ҳиндистон, Қозоғистон, Грузия каби давлатлар ҳамда республикамизнинг маҳоратли ҳайкалтарошлари иштирок этапти.

— Шу пайтгача ўндан ортиқ халқаро кўргазмаларда иштирок этганман, — дейди Қирғизистон Республика-

сидан келган ҳайкалтарош Тамила Маматова. — Тарихий шаҳар — Самарқандда ташкил қилинган бу тадбир менда катта таассурот қолдирапти. Ушбу симпозиумда "Болалик" номли асарим билан иштирок этапман. Эътиборлиси, бизнинг шу ерда яратган асарларимиз ШХТнинг Самарқанд саммитидан эсдалик сифатида қолади.

Мазкур симпозиум 10 сентябргача давом этади.

**Сулаймон МАРДИЕВ,  
Бахтиёр МУСТАНОВ  
(сурат).**

## ПРЕЗИДЕНТ АЙТДИ

... Ўз ишининг чинакам устаси бўлган моҳир қурувчилар ва мутахассислар, соҳада меҳнат қилаётган барча инсонлар ўзларининг бор куч-ғайрати, билим ва тажрибасини улкан ва зифаларни муваффақиятли адо этишга сафарбар этиб, бундан бўён ҳам эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қиладилар.

Ўз навбатида давлатимиз сизларнинг янада самарали фаолият кўрсатишингиз, мамлакатимиз қурилиш соҳаси салоҳиятини ошириш учун келгусида ҳам зарур шароит ва имкониятларни яратиб беради.

Президентимизнинг 2017 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари кунини нишонлаш тўғрисида"ги фармони-га асосан, август ойининг иккинчи яшанбаси "Қурилиш соҳаси ходимлари кун"и деб эълон қилинган. Бу соҳа ходимларига берилётган эътиборнинг далили ҳисобланади.

Сана муносабати билан Президентимиз соҳа ходимларига табрик йўллади.

Вилоят ҳокимлиги томонидан қурувчиларнинг касб байрами муносабати билан тадбир ташкил этилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров қурилиш соҳаси ходимларини касб байрами билан табриклаб, вилоят миқёсида кенг кўламдаги қурилиш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун илғор қурувчи ва касб фидойиларига фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширди.



## САМАРҚАНДДА БУНЁДКОРЛИК:

# ЯНГИ ҚИЁФА, МАНЗИЛЛАР

Вилоятимизда 193 та объектда, жумладан, 48 та умумтаълим мактаби, 22 та мактабгача таълим ташкилоти, 11 та тиббиёт, 2 та олий таълим муассасаси, 16 та туман ва шаҳар марказий кўча қиёфасини ўзгартириш ва бошқа йирик объекتلарда қурилиш-бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда.

28 та қишлоқ ва 4 та маҳалланинг архитектура қиёфаси янгиланяпти, 32 та қишлоқ ва маҳаллада 382,6 километр ичимлик суви ва оқова сув тармоқлари тортилмоқда. Шунча қишлоқ ва маҳаллада — жами 620 та объектда бугунги кунга қадар 184,5 километр йўлда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурларига асосан, жорий йилда вилоятимизда 4420 хонадонли 90 та кўп қаватли уй қуриш белгиланган. Шундан 2 та "Янги Ўзбекистон" массивида 1294 хонадонли 36 та (Булуңгур тумани Ғўбдин, Ургут тумани Мерганча), 2022 йилги ипотека дастурлари доирасида 13 та массивда 3126 хонадонли 54 та уй-жой қурилмоқда.

## 20 август — Тадбиркорлар кун

# Тадбиркорни кўпроқ нима қийнайди?

**Пайариқ туманида Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказиладиган очик мулоқоти олдидан учрашув ташкил этилди.**

Унда вилоят ҳокимининг ўринбосари — вилоят инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Ойбек Мирзабеков, туман ҳокимининг ўринбосари Рашид Ниятов, вилоят ва тумандаги соҳага масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Учрашувда тадбиркорлар томонидан 10 дан ортиқ муаммо ва таклифлар

билдирилди.

Мурожаатларнинг асосий қисми электр энергияси, ер-жой олиш, тадбиркорликни кенгайтиришда кредит ажратилиши билан боғлиқ масалаларда бўлди. Жумладан, "Oltin Tuproq invest servis" МЧЖ раҳбари Бекзод Аминов "Халқобод" кичик саноат зонасида ишлаб чиқаришни бошлаш учун табиий газ билан таъминлаш ишларини тезроқ яқунлаш таклифини билдирди. "Zafarjon Payariq Metal" МЧЖ раҳбари Бекзод Бўриев "Гўзал" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда ташкил этилаётган кичик саноат зонаси учун

ер майдонларини аукционга чиқариш, корхона томонидан қурилган бино-ишоотларни расмийлаштиришдаги муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам сўради. "Manzuratobu savdo servis" МЧЖ раҳбари Барно Туганова хусусий мактаб ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб мурожаат қилди.

Қабулда ўз мурожаатлари билан иштирок этган тадбиркорларнинг муаммолари соҳа раҳбарлари иштирокида атрофлича ўрганилиб, уларнинг ечими бўйича вазифалар белгиланди.

**Пайариқ тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.**



## Хунарманд номидаги кўча замонавийлашмоқда

Самарқанд шаҳрини Самарқанд туризм маркази билан боғловчи Уста Умар Жўрақулов номи кўча бугунги кунда бутунлай ўзгача кўриниш олган.

Яқингача бу кўчада юриш нафақат автомобиллар, балки пиёдаларга ҳам ноқулайлик туғдирарди. Замонавий лойиҳага кўра, кўчанинг Самарқанд тумани ҳудудидаги қисмининг кенглиги 42 метрга етказилди. Асосий автомобиль йўлидан ташқари қўшимча йўл, пиёдалар ва велойўлакларни барпо этилди. Кўчанинг Шохи Зинда мажмуаси ва Садриддин Айний кўчалари кесиммасигача бўлган қисмининг эни 24 метрга етди. Бутун кўча бўйлаб тунги ёритиш чиқроқлари ўрнатилди. Шунингдек, манзарали дарахтлар экилиб, яшил майдонлар яратилди.

Уста Умар Жўрақулов кўчасини Самарқанд туризм маркази билан боғлаган замонавий услубдаги кўприк "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компаниясига қарашли "Кўприкқурилиштрест" унитар корхонаси ишчилари томонидан амалга оширилди. Мазкур кўча бўйидаги 500 га яқин уй-жойлар ўрнида жойлашган объектилар миллий услубда қайта қурилиб, фасадлари таъмирланди.



Айни вақтда кўчада яқиний ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. "Баҳор гуллари" МЧЖ ишчилари томонидан яшил майдонлар яратилиб, пиёдалар йўлакларини четларига анвоий гуллар экилмоқда.

**Дилмурод ТЎХТАЕВ.**

## Шарифа ДАВРОНОВА:

# Юрт шаъни, ота-онам ва устозларим ишончини оқладим

6 август куни Колумбиянинг Кали шаҳрида энгил атлетика бўйича ёшлар ўртасидаги (U-20) жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Шарифа Давронова уч хатлаб сакраш дастурида энг яқин таъқибчиси — франциялик Соҳане Аусугусни 66 сантиметрга орта қолдириб, 14,04 метр натижа билан чемпионлиқни тантана қилди. 16 ёшли Шарифанинг бу натижаси U-20 таснифида мавсумнинг энг яхши кўрсаткичи бўлди.

Шарифа мусобақадан қайтгач, Туркиянинг Коня шаҳрида ўтказиладиган Ислон бирдамлиги ўйинларига йўл олди. 11 август куни мазкур мусобақанинг аёллар ўртасидаги уч хатлаб сакраш дастурида 14,30 метр натижа билан олтин медални кўлга киритди.

Шарифа Давронова Самарқанд шаҳрида туғилган. Олти йилдан бўён энгил атлетика билан шугулланиб келади.

— Қизим 10 ёшидан бошлаб энгил атлетика билан шугулланади, — дейди онаси Насиба Ҳошимова. — Мана, меҳнатлари бесамар кетмади, икки нуфузли мусобақадда чемпион бўлди. Албатта, Шарифанинг иштирокини ҳаяжон билан кузатдик,



ғалаба қозониб, байроғимизни билан кўтарганда кўзимга ёш келди. Фарзандим билан фахрланамиз. Устозларидан миннатдоримиз. Шарифанинг энгил атлетикада эришган ютуқларида унга ёшлигидан сабоқ бериб, турли

мусобақаларга олиб борган мураббийи Музаффар Каримовнинг хизматлари катта.

— Ота-онаси олдимга олиб келганда, Шарифа ёш қизалоқ эди, — дейди М.Каримов. — У ҳеч қачон мағлуб бўлишни истамайди, ёш бўлса-да, юқори марраларга интилади. 2017 йилда илк бор республика мусобақасида қатнашиб, иккинчи ўринни кўлга киритганда йиғлаганди. Сабаби, биринчи ўрин насиб этмади. Шундан кейин у "Энди ҳеч қачон энгилмайман", деб ваъда берди. Шарифа ваъдасини бажаряпти. Тиришқоқлиги, тинимсиз меҳнати, ўз устида ишлаши эвазига Ўзбекистон чемпионлигини ҳеч кимга бермай келяпти. Айниқса, яқинда унинг Колумбияда ўтказилган мусобақадда жаҳон чемпионлигини кўлга киритгани ва Туркияда ўтказиладиган Ислон бирдамлиги ўйинларида олтин медалга сазовор бўлгани фаолиятидаги энг катта ютуғи бўлди.

Ёш чемпион мусобақа таассуротлари билан ўртоқлашар экан, келгусида ҳам Ватанимиз учун олтин медалларни тақдим қилишга ваъда берди. — Кетма-кет иккита халқаро мусобақадда қатнашиб, олтин медални кўлга киритиш осон бўлмади, — дейди Шарифа Давронова. — Айниқса, Колумбияда юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз билан кўтарилганида жуда катта фахр ва ҳаяжонни туйдим. Ислон бирдамлиги ўйинларида ҳам рақобат кучли бўлди. Рақибларим Европа чемпионлари, жаҳон чемпионати ва олимпиада иштирокчилари эди. Аммо уларга бўш келмасдан, юрт шаъни, ота-онам ва устозларим ишончини оқлаб, чемпионлиқни кўлга киритдим.

Шарифа бу ютуқлар билан чекланмоқчи эмас, яна кўплаб мусобақаларда юртимиз байроғини билан кўтариб, ғалабали юришларини давом эттириш ниятида.

**Фазлиддин РЎЗИБОВЕВ.**



## ИНДАЛЛОСНИ АЙТГАНДА...

**Академик  
Оқил САЛИМОВ:**

— Ўзини ўзи ҳимоя қила оладиган, ўзини ўзи асрай биладиган одамда маърифат кучли бўлади. У ҳар қандай шароитда юксак маданиятини намоён қила билади.



# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

уларни ишга олишдан кўра мураккабдир

Мен бу хулосани шу соҳадаги тажрибамга асосан айтяпман. Яшириб ўтирмайман, йиллар давомида кадрларни танлаш ва уларни тайёрлаб бериш соҳасида этиборсизликка йўл қўйилди. Захиралар муқим бўлмади. Натижада айрим тармоқларга дуч келган зиёлини, тажрибали ходимни раҳбар қилиб қўйишга тўғри келди. Гарчи, кейинги 5-6 йил ичида кадрлар захираси шаффофлигига эришилаётган бўлса-да, баъзи ҳолларда эскича қарашлардан қутулишнинг иложи бўлмаяпти. Бу эса ўз навбатида фидойи кадрларимизнинг ҳам кайфиятига таъсир қиляпти.

Кейинги икки йилда маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари, ёшлар етакчилари штатларининг жорий этилиши ва уларнинг давлат фуқаролик хизмати агентлиги орқали танлаб олиниши ғалвирни сувдан кўтарган билан баравар бўлди. Биз ўзимизча кўз остимизга олиб юрган, фидойилик билан ўзини кўрсатган жуда кўп ёшлар, мутахассислар тест синовларидан ўта олмадилар. Натижада уларнинг ўрнига янгиликлар хужжат топширишди. Хатто шу лавозимда тайинлангандан кейин ҳам айримлари масъулиятни етарли даражада ҳис қилмадилар. Уларни ҳам алмаштиришга тўғри келди. Демокриманки, кадрларни бевосита ҳаётнинг қизгин жойида синаш, уларга ўз устиди ишлашни мунтазам ўргатиш керак.

Умуман, йил бошидан буён давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очик портали - vasapsu.argsos.uz платформаси орқали шаҳар ҳокимлиги томонидан 60 вакант лавозимлар бўйича очик танловлар эълон қилинди. Бу танловда 1750 нафар фуқаро иштирок этди. Дарвоқе, хужжат топширганларнинг 25 фоизи, 4 минг нафардан ортиги хотин-қизлардир.

Тахлиллар шуни кўрсатяптики, битта вакант ўринга 17-20 киши хужжат топширган. Танловда ғолиб чиққан 650 нафар ғолибнинг 297 нафари 30 ёшгача, 78 нафари давлат хизматидаги биринчи марта қабул қилинганлардир. Бинобарин, улардан 5 нафарини бевосита шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппаратида ишга олдик.

ОТМлар битирувчилари билан жуда яқин муносабат ўрнатганимиз. Чунки жуда кўп соҳаларга айнан ана шу йигит-қизлар орасидан кадрлар танлаб оляпмиз. Истикболли кадрлар захираси шунчаки рўйхат эмас, биз 3-4-курс талабалари билан суҳбатлар чоғида уларнинг ички интизоми, сўзлаш маданияти, фикрлаш қобилиятини ўрганипмиз. Кейин алоҳида рўйхат тузган ҳолда, гуруҳларга бўлиб, давр сиёсати, ислохотлар самараси, мутахассислик моҳияти юзасидан суҳбатлар ўтказаяпмиз. Айниқса, охириги курсдаги амалиёт жараёнини тегишли

ташкilotлар билан ҳамкорликда мазмунли ташкил этиш, талабчанликни йўлга қўйиш аксарият истикболли захирамиздаги ёшларнинг қобилиятини намоян этишга ёрдам берди. Мисол учун, Самарқанд давлат тиббиёт университети битирувчиси Б.Дониёров шаҳардаги 8-оилавий поликлиникада амалиёт ўтади. Поликлиника маъмурияти бу йигитни диплом олган кунидек ишга қабул қилди. Чунки у амалиёт жараёнида жамоага ўз билими ва иқтидорини, интизомини кўрсата олган эди. Самарқанд давлат университети битирувчиси М.Мавлонов ҳам муваффақиятли амалиётдан сўнг шаҳардаги 51-умумтаълим мактабда иш бошлади.

Умуман, биз истикболли кадрлар захирасида шакллантирилган 368 нафар битирувчининг 367 нафарини турли давлат идораларига ишга жойлаштиришга эришдик. Уларнинг 7 нафари олий таълим муассасаларига, 40 нафари халқ таълими тизимига, 31 нафари тиббиётга, қолганлари иқтисодиёт, банк-молия, касб-хўнахон мактаблари, қурилиш ва сув хўжалиги соҳаларига жойлашди. Истикболли кадрлар захираси мунтазамлиги таъминланмоқда. Яъни, бу рўйхат тугамайди, аксинча, унинг номзодлари кўпайиб бораверади. Биз бу ишга вилоятдаги етук сиёсатчиларни, олимларни, ишлаб чиқариш илғорларини, тажрибали раҳбарларни жалб этганмиз. Улар юқори курс талабалари, битирувчилар, айниқса, захирадаги кадрларимиз билан самимий суҳбатлар ўтказаяпти. Янги ўқув йилидан бошлаб улар ўртасида онлайн ва офлайн танловлар уюштиришни режалаштириб турибмиз.

Яқинда "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Бу қонун олиб борилаётган ишларимизга янги мазмун-моҳият бағишлайди. Чунки асосий мақсад - жамиятни ривожлантириш йўлида унинг тараққиёти учун хизмат қила оладиган муносиб йигит-қизларни тайёрлашдир. Бу борада эса бизга тизимда йўлга қўйилган шаффофлик ва интизом кўл келади.

**Алимардон РАҲМАТУЛЛАЕВ, Самарқанд шаҳар ҳокими, таъкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари.**

Нарпай тумани Обиҳаёт маҳалласида деҳқончилик, чорвачилик, хўнахончилик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар кўп. Аммо шу пайтгача уларга йўл-йўриқ, кўрсатиб, ишни нимадан бошлаш кераклигини ўргатувчи йўқ эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилгач, бу масалага ечим топила бошлади.

- Фаолиятини хатловдан бошладим, - дейди шу маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Аббосжон Муродов. - Натижада 156 нафар ишсиз фуқаро мавжудлиги аниқланди. Туман мутасаддилари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда бу муаммонинг ечимини топишга киришдик. Деҳқончиликка қизиқувчи 60 нафар фуқарога "E-auktion" платформаси орқали ер берилди. 23 нафари "Темир дафтар"га киритилиб, уларга субсидия ажратилди. 20 нафарга яқин ишсизлар тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини бошлаб, бандлиги таъминланди. Улар иш бошлагач, маҳалла аҳолисини қийнаб келаятган муаммоларга ҳам ечим топиляпти. Масалан, яқинда очилган маҳалла тиббиёт пункти ёнида дорихона ва спорт-соғломлашти-



риш мажмуаси, 75 ўринга мўлжалланган оилавий боғча, маиший хизмат кўрсатиш нуқталари қишлоқ аҳолиси узоғини яқин қилди. Аҳамиятлиси, деҳқончилик ва тадбиркорлик билан шуғулланишни бошлаганларнинг аксарияти хотин-қизлардир.

- Фаолиятимизни бошлашим билан биринчи-

# ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ ОБИҲАЁТДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШ ҚИЛДИ?



лардан бўлиб Тама қишлоғида яшовчи Мадина Шотирова мурожаат қилди, - дейди А.Муродов. - Дастлаб, қўлдан нима иш келишини сўрадим. У ер ажратилса, деҳқончилик билан шуғулланиши мумкинлигини, асосийси, ишли бўлиб, рўзғорига фойдаси тегиши кераклигини айтди. Унга ер ажратилишига кўмаклашдик.

Бугун унинг меҳнати самарасини қўриб, кўзим қувнайди. - Болалигимдан деҳқончиликка қизиққанман, - дейди Мадина. - Менга ажратилган 20 сотих ернинг асосий қисмига помидор эқдим. Бу ердаги оғирроқ юмушларга турмуш ўртоғим ишдан бўш вақтларида ёрдам беради. Ҳосил ёмон бўлмади. Харидорлар маҳсулотларимизни шу ернинг ўзидан сотиб олиб кетаяпти. Бозорга кўтариб юрмаймиз. Кунига 500-600 минг сўмлик помидор сотаяпман. Бир мавсумда помидорнинг ўзидан 20 миллион сўм даромад қилса бўларкан. Маҳаллада ишсиз аёлларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тикувчилик йўналишида кооперация ҳам ташкил қилиняпти.

**Тўлқин СИДДИҚОВ, Ҳусан ЭЛТОВЕВ (сурат).**



Иштихон тумани марказидаги "Нур файз" сутни қайта ишлаш корхонасида қатиқ, қаймоқ, сариеғ каби 10 турга яқин маҳсулот тайёрланади. 3 киши билан фаолият бошлаган ушбу корхонада шу пайтга қадар кунига 800 литр сут қайта ишланар эди.

- Фаолиятимизни кенгайтиришимиз учун яқинда банкдан 250 миллион сўмлик имтиёзли кредит олдик, - дейди корхона технологи Файзулла Ҳасанов. - Энди корхонага янги усқуналар келтирилади. Натижада ишлаб чиқариш қувватимиз икки бараварга ошиб, 10 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

**Бахтиёр МУСТАНОВ.**

## Президент қарорига кўра

# Оилавий боғча қуринг

Харажати давлат кўтаради



Президентнинг 2022 йил 14 июлдаги "Мақтабгача таълим соҳасида давлат хусусий шерикчиликни янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб оилавий боғчаларга бир қатор энгиллик ва қулайликлар бериладиган бўляпти.

Биринчиси, оилавий боғчаларга қатнаётган ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларнинг фарзандлари ва махсус контингентлар сони жами тарбияланувчилар сонининг 70 фоизидан кам бўлган тақдирда, етмаган қисмига бошқа оилаларнинг болаларини қабул қилишга рухсат этилади.

Бунда, ушбу болалар учун ота-оналар тўлови шу жойдаги давлат мақтабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган ҳажмлардан ошмайдиган миқдорда белгиланади. Иккинчиси, оилавий боғчаларга тарбиячи ва тарбиячи-ёрдамчи лавозимлари учун 4,5 тагача штат бирлигини ажратишга рухсат этилади.

Бунда, тарбиячи ва тарбиячи-ёрдамчиларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи харажатларини қоплаш учун субсидия ҳақиқатда банд қилинган, лекин 4,5 тадан (Тошкент шаҳри, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида - 2,25 тадан) кўп бўлмаган штат бирлигидан келиб чиқиб тўланади.

Учинчиси, тарбиячи ва тарбиячи-ёрдамчиларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан иш ҳақи харажатларини қоплаш учун субсидия жисмоний шахслардан олинмайдиган даромад солиғи ва бошқа ажратмалар ушлангандан сўнг, тўғридан-тўғри ушбу ходимларнинг пласстик картасига ўтказиб берилади. Тўртинчиси, оилавий боғча

фаолиятини бошлаш учун соғлиқни сақлаш органлари билан мажбурий равишда тарбияланувчиларга тиббий ёрдам кўрсатишга оид шартнома тузиш тартиби бекор қилинади.

Бешинчиси, Давлат бюджетидан тўланадиган субсидия ва компенсациялар миқдорини ҳисоблашда боғчага қатнаётган 3 ёш ва ундан катта ёшдаги (боқувчисини йўқотган аёлларнинг 2 ёш ва ундан катта ёшдаги), лекин 7 йил 8 ойдан катта бўлмаган ёшдаги тарбияланувчилар ҳисобга олинади (ДХШларга ҳам тегишли).

Олтинчиси, ота-оналар тўлови миқдорини мустақил равишда белгиланган ҳолда 3 ёшга тўлмаган болаларни ҳам қабул қилишга рухсат этилади (ДХШларга ҳам тегишли). Бунда 3 ёшга тўлмаган болаларга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилмайди (боқувчисини йўқотган аёлларнинг 2-3 ёшдаги фарзандлари бундан мустасно).

Еттинчиси, табиий газ учун компенсация марказлашган табиий газ таъминоти мавжуд бўлмаган, лекин иситишнинг бошқа турларидан, шу жумладан, суюлтирилган газ ёки кўйир маҳсулотларидан фойдаланаётган давлат-хусусий шериклик асосидаги ва нодавлат мақтабгача таълим ташкилотларига ҳам тўланади (оилавий нодавлат мақтабгача таълим ташкилотлари бундан мустасно).

# Кинога чипта совға қилиш анъанага айланади

Жомбойда "Зарафшон" кинотеатри фойдаланишга топширилди. Ушбу маданият даргоҳи қарийб 1 миллиард сўм эвазига реконструкция қилиниб, замонавий қўёфага келтирилган. Ёруғ ва кенг фойе, 200 ўринли томшалар зали меҳмонлар учун ўзгача шукух беради.

Кинотеатрнинг очилиш маросимида Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев, вилоят ҳокимининг ўринбосари Рустам Қобилов, туман ҳокими Қаяом Собиров ҳамда кинематография агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Фармон Розиков халқимиз эстетик дидини юксалтиришда маданият даргоҳларининг аҳамиятини таъкидлади. Бино реконструкциясида хизмат қилган қурувчилар меҳнати эътироф этилди.

"Зарафшон" кинотеатри 1976 йилда барпо этилган бўлиб, ўз вақтида туман халқи учун ўзига хос маданий-маърифий маскан сифатида хизмат қилган. Кейинчалик қаровсиз қолган даргоҳ охириги ўн йилларда фаолият юритмай келаятганди.

- Президентимизнинг жорий йил февраль ойидаги туманимизга ташри-

фактифи қўллаб-қувватлади. Тадбиркорлар учун яратилган имконият меваси ўларок, кинотеатр биноси давлат-хусусий шериклик тартибда реконструкция қилинди. Эндиликда



бу ерда нафақат кино, балки театр санъатини ривожлантиришни ҳам мақсад қиляпмиз. Кинотеатрнинг илк иш кунини "Ўз-

беккино" миллий агентлиги томонидан суратга олинган "Афв" ҳамда Каттакўрғон шаҳар драма театри ижодкорлари саҳналаштирган "Қалтис қадам" спектакли намойиш этилди.

Тадбир давомида ўзига хос таклиф илгари сурилди: "Бундан буён яқинларимизга кино ва театр премьералари учун чипта совға қилсак, буни эзгу анъанага айлантирсак, мақсадга мувофиқ бўларди, - деди Фармон Тошев. -

Бу ташаббусни жомбойликлар тажрибаси сифатида мамлакатимизда фаол тарғиб қиламиз".

**Ўз муҳбиримиз.**



**Нуробод тумани ҳокими Ш.Юлдашев:**  
– Туманимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шaroитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни вазибалардан келиб чиқиб, жорий йилда қишлоқ ҳўжалиги ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида қиймати 466,7 миллиард сўмлик 31 та лойиҳа амалга оширилиб, 328 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.  
Йилнинг биринчи ярмида 6,9 миллион АҚШ доллари қийматидаги инвестиция ўзлаштирилиб, белгиланган режа ортиги билан бажарилди. Шунингдек, бу даврда туман учун 5,6 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспортини амалга ошириш режаси қўйилган бўлиб, амалда уни 110 фоизга бажардик. Бу ўтган йилги кўрсаткичдан икки баробар кўп.  
Бундан ташқари, ҳудудда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларининг иш самарадорлигини ошириш бўйича ҳам тизимли ишлар олиб борилмоқда.



**ҚўНИМИ ЙЎҚНИНГ УНУМИ ЙЎҚ**  
Шу кунгача туманининг "Иттифок" маҳалла фуқаролар йиғинида марказ йўқ эди. Маҳалла фаоллари у бинодан бу бинога кўчиб, мослаштирилган хоналарда ишлашга мажбур бўлаётганди.  
Жорий йил маҳалла учун янги бино қуриб берилди. Намуна асосида бунёд этилган бинода маҳалла фаоллари учун алоҳида хоналар, фаоллар зали мавжуд. Шунингдек, бино мебель ҳамда компьютер жиҳозлари билан таъминланган.

# ЧЎЛ ЎРТАСИДАГИ БЎСТОН

Бугун Нуробод тумани ўзгача қиёфа касб этган, ҳар соҳада ривожланиш, тараққиёт кўзга ташланади. Бу эзгу ишларда туманининг барча идора ва ташкилотлари, фуқаролари, ёшларининг ҳиссаси бор, албатта. Асосийси, маъзур ислохотлар, аввало, нурободликларнинг ўзига хизмат қилмоқда, уларнинг турмуш шарoити яхшиланиб, даромади ортмоқда.  
Нуробод ва ундаги янгиликларни, "қайноқ" ҳаётини бу гал сўз билан эмас, балки фотожамланма орқали очиб беришга қарор қилдик.



**БОЛАЛАР ТАФАҚҚУРИ БОҒЧАДА РИВОЖЛАНАДИ**  
– Бугунги кунда тумандаги 7928 нафар ёки мактабгача ёшдаги болаларнинг 60 фоизи мактабгача таълимга қамраб олинган, – дейди туман мактабгача таълим бўлими мудири Д.Амирова. – Беш йил олдин бу кўрсаткич 3,4 фоизга тенг эди. Йил якунигача 10 та нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг қуввати оширилиб, яна 1080 нафар болани жалб қилиш режалаштирилган. Шунингдек, туманда 28 та бир йиллик бепул мажбурий таълим гуруҳи ташкил этилган.

**ҚАРИЯЛАРДА ГАП КЎП**  
Нурободлик нурунийлар ҳам бекор ўтирмайди. Улар бугун машаққатларга бой ҳаёт йўлида тўплаган тажрибаси, билимларини ёш авлодга ўргатиб келмоқда. Жойларда ташкил этилаётган барча тадбирлар уларнинг бошчилигида ўтказилади.  
Жорий йил фаол нурунийларнинг Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳрига, Самарқанд шаҳри ҳамда Бухорога саёҳати ташкил этилди.

**НУРОБОДЛИК ЁШЛАР ХОРИЖДА ТАХСИЛ ОЛАДИ**  
Ўтган ўқув йилида тумандаги умумий ўрта таълим мактабларининг 11-синфини 2079 нафар ёш битирди. Уларнинг 14 нафари мuddатидан олдин хориждаги нуфузли олий таълим муассасаларининг талабаси бўлди.



**ЭЪТИЁЖМАНДЛАРГА УЙ**  
Жорий йил туман марказида "UzPHJ building" МЧЖ томонидан 3 миллиард 111 миллион сўм маблағ эвазига 24 кватирали кўп қаватли бино қурилди.  
Эътиборлиси, бу уйлар тураржойга муҳтож фуқаролар, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёллар ва ёш оилаларга берилди.

**ҚУЁШДАН ЭЛЕКТР ОЛИБ...**  
Ҳудудда Франциянинг "Total EREN" компанияси томонидан киритилган 100 миллион АҚШ доллари қийматидаги инвестиция асосида йилга 260 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга фотоэлектр станцияси ишга тушди. У 80 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлаб, 78 миллион куб метр табиий газни тежайди.



## Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги жамоат фондининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҲИСОБОТИ

**2021 йилда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги жамоат фондининг ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси томонидан тасдиқланган Дастурга мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация қилиш ва жамиятни эркинлаштиришдаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш борасида изчил ва тизимли ишлар амалга оширилди.**

**Фондининг ҳисобот давридаги фаолиятига шарҳ**  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 мартдаги "Надавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолияти эркинлиги, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5012-сонли қарори 12-банди ҳамда "Бюджет кодексининг ижросини таъминлаш мақсадида халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 135/20-сонли қарорига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун 1 152 482 000 (бир миллиард бир юз эллик икки миллион тўрт юз саксон икки минг) сўм маблағ ажратилди.

Ушбу маблағларни бошқариш бўйича васийлик Кенгаши вазифаси халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясига юклатилган бўлиб, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2021 йил 7 майдаги 221/30-VI-сонли қарорига кўра, комиссия таркиби қайтадан шакллантирилди.  
Ҳисобот даврида халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси қарори билан тасдиқланган вазифалар ва дастурларнинг босқичма-босқич ижроси таъминланди. Унга кўра, давлат субсидиялари ва давлат грантлари ажратишининг, давлат ижтимоий буюртманомаларини жойлаштиришининг асосий мавзулари ва йўналишлари, мақсад, вазифалари, шартлари ва мuddатлари ҳамда уларга ажратилган маблағлар миқдори тасдиқланди.

**Танловларни ташкил этиш, дастур ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш**  
Ҳисобот даврида муҳим ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат грантларини ажратиш учун 5 та танлов ўтказилди.  
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2021 йил 1 февралдаги 21/2-сонли қарори билан тасдиқланган халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги жамоат фондининг ҳисобот йилидаги давлат гранти танловларини ўтказиш дастури ижроси тўлиқ, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши таъминланди.

**Хусусан давлат грантлари қуйидагиларга йўналтирилди:**  
"Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" давлат дастури ижросини таъминлашда таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга

ошириш" мавзусидаги давлат гранти 1-танловига 24 та фуқаролик жамияти институтларининг 734 миллион сўмлик 24 та лойиҳаси қабул қилинди.  
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2021 йил 2 июлдаги 21/7-сонли қарорига асосан, 10 та лойиҳа 305 миллион сўмга молиялаштирилди.  
"Жамиятда инсон ҳуқуқлари ва мулоқот маданиятини юксалтиришда нодавлат нотижорат ташкилотлар фаоллигини ошириш" мавзусидаги давлат гранти 2-танловига 8 та фуқаролик жамияти институтларининг 240 миллион сўмлик 8 та лойиҳаси қабул қилинди.  
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2021 йил 28 сентябрдаги 21/09-11-сонли қарорига асосан, 6 та лойиҳа 180 миллион сўмга молиялаштирилди.

"Туризм ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, маҳалла ва оилаларда сaғлом турмуш тарзини ва аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашда жамоатчиликни кенг жалб қилиш" мавзусидаги давлат гранти 3-танловига 6 та фуқаролик жамияти институтларидан 180 миллион сўмлик 6 та лойиҳа қабул қилинди.  
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2021 йил 28 сентябрдаги 21/09-11-сонли қарорига асосан, 4 та лойиҳа 120 миллион сўмга молиялаштирилди.  
"Ёшлар инновацион гoяларини қўллаб-қувватлаш орқали уларни маънавий етук қилиб тарбиялаш ҳамда бандлигини таъминлашда ҳамкорликни кучайтириш" мавзусидаги давлат гранти 4-танловига 8 та фуқаролик жамияти институтларидан 240 миллион сўмлик 8 та лойиҳа қабул қилинди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2021 йил 11 декабрдаги 21/12-15-сонли қарорига асосан, 7 та лойиҳа 210 миллион сўмга молиялаштирилди.  
"Миллатлараро бағрикенглик ва дўстлик муҳитини мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш" мавзусидаги давлат гранти 5-танловига 10 та фуқаролик жамияти институтларидан 300 миллион сўмлик 10 та лойиҳа қабул қилинди.  
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 2021 йил 11 декабрдаги 21/12-15-сонли қарорига асосан, 6 та лойиҳа 180 миллион сўмга молиялаштирилди.  
2021 йил 30 та устувор йўналиш бўйича давлат грантининг 5 та танлови ўтказилди. Ва унда 55 та ННТ, ОАВ ва

фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 56 та лойиҳа билан иштирок этди. Шундан 33 та ижтимоий аҳамиятли дастур ва лойиҳалар умумий қиймати 995 миллион (тўққиз юз тўқсон беш миллион) сўмини ташкил этган бўлиб, ушбу лойиҳалар жамоат комиссиясининг тегишли қарорлари билан қўллаб-қувватланди.  
Лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари жойлардаги маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда "Одам савдосига қарши курашиш ва коррупцияга қарши курашиш фаолиятини ташкил этишда ННТлар фаоллигини ошириш" бўйича турли кўргазмалар ахборот ва ўқув материаллари тайёрланди. Фуқаролар йиғинларида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга доир дастурларни амалга ошириш, турли юқумли касалликлар профилактикаси масалаларида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан давлат органлари ўртасида ижтимоий шериклик асосида аҳолини, айниқса, ёшлар ва аҳоли бандлигини таъминлаш, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш масалаларига катта аҳамият берилди.  
Давлат гранти лойиҳаларини амалга оширишга ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг 221 миллион 634 минг сўм ўз маблағлари ҳамда 262 нафар кўнгилчиларнинг меҳнати жалб этилганлигини алоҳида қайд этиш лозим. 1 та термо – иссиқхона ва жонли бурчак, 3 та кутубхона, 4 та ўқув курси, 2 та ёшлар спорти, 1 та туризм қишлоғини ташкил этиш бўйича давлат гранти лойиҳалари амалга оширилмоқда. Давлат гранти лойиҳалари давомида ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 383 та янги иш ўринларини яратди.  
Турли йўналишларда 76 та тарғибот тадбирлари ўтказилди ва уларда 7850 киши иштирок этди. Лойиҳаларни амалга ошириш жараёни босма ва электрон ОАВда 275 маротабадан кўпроқ ёритилди.

Лойиҳалар доирасида ташкилотларнинг моддий-техник базаси 52 донга замонавий ахборот-коммуникация техникаси, ўқув-ишлаб чиқариш техникаси, ўқув ишлаб чиқариш жиҳозлари билан мустаҳкамланди. Бу мақсадлар учун 188 миллион 857 минг сўм сарфланди.  
Ҳисобот даврида халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг 17 та йиғилиши ўтказилди. Уларда "Учинчи сектор" субъектларининг фаолиятига доир жамиятда ижтимоий шерикликни кучайтириш билан боғлиқ 38 дан ортиқ долзарб масалалар қўриб чиқилди.  
Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси ва жамоат фондининг фаолияти "Зарафшон", "Самарқандский вестник", "Овози Самарқанд" газеталари ва "HUDUD - MY5 TV", "SamTVR", "Zarnews.uz", "Samarqand viloyat NNT news", "STV:HOBOCTI", [https://t.me/samarqand\\_jamoaat\\_fondi](https://t.me/samarqand_jamoaat_fondi) ҳамда бошқа ОАВларида кенг ёритилди.

2021 йил учун йиллик молиявий ҳисоботи (бухгалтерия баланси)

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2021 йил млн.сўм	Кўрсаткичлар номи	Сатр коди	2021 йил млн.сўм
<b>Актив</b>			<b>Пассив</b>		
<i>Жорий активлар</i>			<i>Ўз маблағларининг манбалари</i>		
Айланма активларнинг якуни	390	744 253,7	Ўз маблағларининг якуни	480	744 253,7
Баланс активи бўйича жами	400	744 253,7	Баланс пассиви бўйича жами	780	744 253,7

**ДАЪВОЛАР БЎЛСА...**  
Самарқанд шаҳридаги "AKFA PRAYM" масъулияти чекланган жамияти (СТИР: 306100298) ўз номини "ZIKO PRAYM" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирмоқда. "ZIKO PRAYM" масъулияти чекланган жамияти "AKFA PRAYM" масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Шу муносабат билан унга билдирилган барча даъволар газетанда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 48-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Суянов Абсаломга (2012 йил 20 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани А.Қурбонов маҳалласи, Сарой кўчаси.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Исмаилов Акбаржон Темуровичга (2020 йил 27 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Кадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Самарқанд шаҳри Фирдавсий кўчаси, 96-уй.**

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Абдурахимова Караматга (2016 йил 19 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматкулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.  
**Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**  
Сиёб қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-ҳунар коллежидан 2015 йилда Абдуллаева Рухшона Лутфиллоевна номига берилган рўйхат рақами 505, К № 3827875 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд Сиёб тиббиёт коллежидан 2017 йилда Мамадалиева Лобар Собиржон қизи номига берилган рўйхат рақами 345, К № 4685871 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Самарқанд транспорт ва коммунал хўжалик касб-ҳунар коллежидан 2013 йилда Нарзикулов Азиз Тохирович номига берилган рўйхат рақами 145, К № 2937641 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Паст Даргом туманидаги "ХАЙДАРОВО" ишлаб чиқариш ва савдо фирмасининг (СТИР 202591232) думалок муҳри ва бурчак тағмаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Жомбой тадбиркорлик касб-ҳунар коллежидан 2014 йилда Борзобоева Зилола Абулқасим қизи номига берилган рўйхат рақами 2744, К № 3233245 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Фуқаролар Раҳимов Фурқат Рустамович ва Розиков Акбар Муродовичлар ўртасида Самарқанд шаҳри Буюк Ипак йўли кўчаси, 17-Б манзилда жойлашган "CHICKEN EXPRESS FRIED" оилавий корхонасига қарашли "Мини-футбол ўйингоҳи"нинг маъмурий ва ювиниш биноси, темир панжара билан ўралган музқаймоқ павильонига мўлжалланган майдонча мулклари учун "Best realtor" МЧЖ Самарқанд минтақавий филиали воситачилигида 2018 йил 16 апрелда ўтказилган тўғридан-тўғри музокаралар натижасида 104-сонли келишув баённомасига асосан тузилган олди-сотди шартномасининг асл нусхаси ҳамда Самарқанд вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонасининг Самарқанд шаҳар филиалидан ушбу нотураржой учун берилган кадастр ҳужжатлари тўплами йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

► **Ёнимиздаги одамлар**

## “БИР ЭМАС, ТҮРТ ТИЛ КЕРАК”

Туркистонда жадидлар ҳаракатининг асосий мақсадларидан бири халқни саводли қилиш эди. Улар мактаблар очиб, диний билимлар билан бирга, дунёвий фанларни ўқитишга эътибор бердилар. Айниқса, тил ўрганишга долзарб масала сифатида қарашган. Чунки улар тил ўрганиш орқали ўзбек тили, маданияти, санъати ва тарихини жаҳонга ёйишни кўзлашган.



Тарихчи оlima Дилором Алимованинг таъкидлашича, тил концепцияси улугъ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбўдийнинг “Бир тил эмас, тўрт тил керак” сарлавҳали мақоласида очиб берилган. Яъни, Россия империяси тасарруфида яшаётганимиз учун рус тилини билишимиз зарур. Биз ҳаракатимиз тактикасини ишлаб чиқиш учун қандай бошқарилаётганимизни тушуниб олишимиз шарт. Ўз даврида содир бўлаётган сиёсий ўзгаришларни чуқур англаган ва таҳлил қилган Бехбўдий рус тилини ўрганиш орқали маҳаллий халқ ўз ҳақ-ҳуққини тўғри тушуниб олишлари мумкинлигини таъкидлайди.

Маҳмудхўжа Бехбўдий ўз даври таълим тизимида юз бераётган инқирозлардан ташвишга тушади, унинг сабабларини ва вазиятдан чиқиш йўллари тил ўрганишда, унинг мавқеини тиклашда кўради. Бехбўдийнинг тил ҳақидаги қарашлари ўнлаб асарларидан баён этилган. Аммо “Икки эмас, тўрт тил лозим” ва “Тил масаласи” мақолалари бевосита ушбу масалага бағишлангани билан аҳамиятли.

2013 йилда ёзилиб, “Ойна” журналида чоп этилган “Икки эмас, тўрт тил лозим” мақоласи буюк маърифатпарварнинг нафақат тилга бўлган муносабати, балки дунёга чиқишининг йўллари кўрсатиб берилганлиги билан илмий ва амалий аҳамият касб этади. “Инглиз, француз, рус, усмонли турк оналарининг тили матбуот ва мактабдаги адабий ва илмий тилининг айни ўзидир. Аммо улар бир неча юз йиллардан бери тилни ўқиб-ўрганиб келаётган оналар тилидир. Бизнинг мазлум оналаримиз авлоддан-авлодга ўқимасдан келмоқдалар”, деб ёзилади мақолада.

“Тил масаласи” мақоласида Бехбўдий дунё илм-фанидан хабардор бўлмоқ учун рус, немис, француз, инглиз, италян, араб, япон тилларидан бирини билмоқ керак, деган фикри билан сўради. Дарҳақиқат, дунё аҳли билан

мулоқотга киришишнинг, мамлакат ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётига дахлдор бўлишнинг, илм-фан, таълим-тарбия, адабиёт ва санъат билан машғул бўлишнинг энг самарали йўли – тил билиш эканлигини бугунги ҳаёт ҳам исботлаб турибди.

“Биз, туркистонийларга туркий, форсий, арабий ва русий билмоқ лозимдур”, дейди маърифатпарвар ва бунинг сабабларини изоҳлаб беради. Туркистон халқининг асосий қисми ўзбек тилида гаплашганидан, араб ва форс тиллари илм ва таълим тили бўлганлигидан шундай қилиш зарурлигини айтади.

Мақола муаллифининг тарихий манбаларга таянган ҳолда қайд этишича, шу уч тил Туркистонда қадимдан амалда бўлган. Амирлар ва хонлар замонидан бери фармоийиш ва муборақномалар туркий тилда ёзилган, мадрасаларда араб тилида ўқитилган, қозихоналар ҳужжатлари ва баъдий адабиёт форсий тилда битилган. Бу ҳолатнинг давом этиб келаётганлиги таълим ва нашр ишларида қийинчилик пайдо қилади, савод ва илм ўрганивчиларнинг юздан тўксон тўққизи бу уч тилни билмаслигидан қийналади. Бу муаммолардан келиб чиқиб, Бехбўдий тил таълими ва ўқитиш методикасини ислоҳ қилиш масаласини кескин қўйди.

Самарқанд, Фарғона ва Бухоро вилоятларида аҳолиси форсча сўзлайдиган шахар ва қишлоқлар борлиги, форс шоирлари ва адиблари лаззати қиёматгача кетмайдиган асарлар ёзганлиги ва уларнинг катта маънавий хазина эканлиги, буни билишга европаликлар миллирдлар сарф қилаётгани учун ҳам бу тилни билмоқ лозимлигини таъкидлайди: “Бизга саодатдурки, туркий ва форсийни тахсилсиз билуримиз. Хар турки форсий ва хар форси туркий билмоғи лозимдур”.

Бехбўдийнинг ишончига кўра, дунё илм-маърифатидан, адабиёти ва санъатидан, масалан, француз ва

рус доғишмандларининг асарларидан баҳра олмақни Кавказ ва Қозон туркийларидан ўрганиш керак, уларнинг асарларини туркийга таржима қилиш лозим.

“Чунки туркий билган киши замони билур. Бизлар ҳам Россия гражданимиз, руслар билан баравар ҳуқуқларга эгамиз. Аммо истеъдодсизлигимиздан афсусланамиз. Турли давлат идораларига мурожаат қилишимиз учун эса рус тилини билиш керак бўлади. 50 йилдан бери Россияга тобемиз. Аммо ҳалигача руслар билан мусулмонлар бир-бирларини яхши танишмайди. Фикримизча, руслар ҳали бери кетадиганга ўхшамайди. Бизга лозимки, ўз нафимиз учун русча билайлуқ, ҳукумат мактабларинда ўқулуқ. Давлат мансабларига кирайлуқ. Ватанимизга ва ўз динимизга хизмат этайлуқ. Мусулмон бўлуб туруб, тараққий қилайлуқ”, дейди Бехбўдий.

Яна давом этади маърифатпарвар: “Бу замон тижорат иши, саноат ва мамлакат ишлари, ҳатто дини ислом ва миллатга хизмат илмисиз бўлмайду. Масалан, бугунги “подшолик дума”га ўз дин ва миллатимиз нафига сўзламоқ бизлар учун мумкин бўлу. Аммо анда бориб сўйлағувчи киши бизга йўқ. Анда бориб нафи Ватан ва миллатга сўйламоқ учун Россия мактабларинда бир ўн сана ўқумоқ керак, замондан, конундан хабардор бўлмоқ керакдур...”

Хулоса, бугун бизларга тўрт тилга тахрир ва тахрир этгүвчилар керак, яъни арабий, русий, туркий ва форсий. Арабий тил дин учун на даража лозим бўлса, русий ҳам тириклик ва дунё учун лозимдур. Арабий билмасак дин, русча билмасак дунё кўлдан кетар”.

Мутафаккир француз тили тўғрисида, дунёни билишда бу тилнинг аҳамияти ҳақида ҳам мулоҳаза юритади. Ғайридинларнинг тили ва илмини ўрганмоқ шариятга зид эмаслигини айтиб, бунга пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо соллалоху алайҳи васалламнинг ўз саҳобаларидан Зайд бин Собитга яхудий хатини ўқуб-ўрганишни буюрганлини далил қилиб келтиради.

Бехбўдийнинг тил ўрганиш ҳақидаги қарашлари унинг бошқа асарларида ҳам келтирилади. Масалан, “Падаркуш” драмасида бу масала зиёли нутқига сингдириб юборилади.

“Танқид – сараламоқдур” мақола-сида Бехбўдий тил билмаслиқни катта камчилик, деб ҳисоблайди. Ҳатто фикримиз ифодасининг нотўғрилигини, ёзганларимизнинг хатолигини танқид қилишса, аччигимиз келади, у одамни душман биламиз, норози бўламиз, дейди аллома. Аслида бу ҳам тил билишимиздаги камчиликлар туфайлидир.

Император вакили бўлиб келган граф Паленга Туркистон халқининг турмуш тарти тўғрисида тақдим этган “Лойиха-проект”ида ҳам “Закўн ва судя бизга жабр қилмайду, Балки тил билмаганимиздан, закўн билмаганимиздан, замондан хабарсизлигимиздан жабр кўраримиз”, деб ёзган эди.

Бехбўдийнинг бу эзгу ниятлари орадан юз йиллар ўтиб, амалга ошди. Ўзбек тили давлат тили мақомини олди. Алломанинг “Бир эмас, тўрт тил керак” тамойили ўлароқ мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга хорижга чиқишнинг муҳим омиллардан бири сифатида қаралмоқда.

**Диляфрўз РАҲМАНОВА,**  
Самарқанд давлат чет тиллар институту ўқитувчиси.

## Музей ишининг билимдони

Раҳим Қаюмов 70 ёшда

Аммо устозга бу салоҳият ўз-ўзидан келган эмас. Самарқанд шаҳрида зиёлилар хонадониди дунёга келган бола кўз очиб китобни кўрди. Ота-она шарофати билан фақат маърифатпарварлар, илм аҳли даврасида юрди.

1969 йилда Самарқанд давлат университетининг тарих факультетига ўқишга кирган Р.Қаюмов оилавий шаброит туфайли кундуз кунлари шаҳардаги корхоналарда ишлади. Университетдаги яхши ўқиши, ташкилотчилиги боис “Кинап” заводиди ёшлар ташкилоти раҳбарлиги ва кейинчалик халқ назорати ташкилоти раислигига сайлашди. У меҳнат ва ўқиш жараёнининг муштараклигиди камолга ета борди. Шу сабабли диплом олгач, Раҳим акани Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи давлат музейига илмий ходим сифатида ишга қабул қилишди. Ана шундан кейин ўтган даврда у тармоқнинг бошқа бўлимида ҳам фаол ишлади. Айниқса, жамоатчилик музейларини ташкил этиш, бошқариш илмий ва услубий жараёнларини такомиллаштиришга ҳисса қўшди. Бир мунддат Регистон мажмуасини, Самарқанд меъморий ёдгорликларини ўрганиш ва таъмирлаш тарихи музейини, тўққиз йил давомида эса вилоят ўлкашунослик музейини бошқарди.

Устоз Р.Қаюмов музей илмини пухта ўзлаштирди, музейшунослик тарихи бўйича ҳам қимматли тадқиқотлар олиб борди. Дарвоқе, у киши 13 йил давомида Самарқанд давлат бирлашган меъморий тарихий ва баъдий музей-қўриқхонаси бош директори-нинг илмий ишлар бўйича ўринбосари сифатида фаолият кўрсатди. Бу давр ичиди у киши 60 дан зиёд халқаро ва мамлакат миқёсидаги музейшунослик тадбирларида маъруза ва тақлифлар билан иштирок этди. Устознинг раҳбарлигиди вилоятимиз ҳудудида 100 дан зиёд янги тарихий музейлар очилди, экспозиция ва кўргазмалар уюштирилди. 20 дан зиёд лойиха ва хорижий грантлар кўлга киритилиб, ижроси таъминланди. Устознинг қирққа яқин илмий мақолалари олийгоҳларда соҳа бўйича илм олаётган йигит-қизларга қўлланма сифатида ёрдам бермоқда.

Раҳим ака ҳақида нафақат сафдошлари, шогирдлари, балки ўзи истиқомат қилаётган маҳалла аҳли ҳам доим ҳурмат билан сўз юритади. Чунки устоз маҳалла ёшларини ҳам илмга қизиқтиришга фидойилик кўрсатмоқда. Хусусан, ҳозирда Самарқанд давлат университети илмий-амалий музей-лабораторияси раҳбари бўлиб ишлаб, талабаларни осори-атиқаларни қадрлашга,



уларнинг тарғиботини кучайтиришга фаол қорлаб келмоқда.

- Музей иши Самарқанд учун жуда катта самара берадиган соҳа, - дейди Р.Қаюмов. - Чунки глобализм жараёнида, айниқса, эшқларимиз очилган бир пайтда ер устидаги очик музей деб эътироф этилган Самарқанд шаҳрига келаётган сайёҳларга тарихимизнинг ноёб лаҳзаларини экспонатлар орқали кўрсатиш уларнинг бу заминга бўлган иштиёқини оширади. Аслида эса бу кўҳна юртининг хар битта гўшасида биттадан музей очганимизда ҳам камлик қилади.

Биз, шогирдлари музей соҳаси билимдони Р.Қаюмовнинг табаррук 70 ёши билан муборакбод этамиз ва у кишига ижодий жўшқинлик тилаб қоламиз.

**Хонқул САМАРОВ,**  
Регистон ансамбли директори.

## Тютор – талабалар кўмакдоши

Бугунги кунда олий таълим муассасаларида талабаларнинг дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида, таълим олиш жараёнида юзага келадиган барча муаммоларни ўрнатилган тартибда тарторлаб этишга кўмаклашадиган ходим – **Тюторлар иш бошлаган.**

Масалани, биз фаолият олиб бораётган Самарқанд давлат тиббиёт университети тиббий педагогика олий ҳамширалик иши ва халқ таълим факультетиди тахсил олаётган 678 нафар талаба 3 нафар тюторга бириктирилган.

Хар бир гуруҳ талабалари дарсдан кейин нима билан банд бўлиши назоратга олинган. Уларни қизиқишларига қараб тўғрақларга жалб қилганми. Шунингдек, талабалар иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, диққатга сазовор жойларга саёҳатлар уюштирилади.

Сабасиз дарс қолдирадиган талаба билан индивидуал шуғулланиш - тюторнинг энг асосий вазифаларидан бири. Биз нафақат ўқув йили давомида, балки ёзги таътил пайтида ҳам талабаларнинг бўш вақтлари қай даражада ўтаётганлиги билан қизиқиб, назорат қилиб бораемиз. Бунинг учун улар яшайдиган маҳалла фаоллари ва ота-оналар билан доимий ҳамкорлик ўрнатганми.

**Нурали ОЧИЛОВ,**  
факультет тютори.

## Устозлар...

Бири билим беради, иккинчиси касбга ўргатади. Иккаласи ҳам жамият тараққийотини таъминлашга хизмат қилади. Жамиятдаги ёмон фазилатли инсонлар устоз кўрмаганлар, кўрса ҳам кибр ва бефарқлик билан уларни тан олмаганлардир.

**Маманонус ПАРДАЕВ.**

► **Муштарий мулоҳазаси**

## Кимўзарига тўйни нега тўхтата олмаяпмиз?

Дабдабали тўйлар ҳақида гапирилмаган гап, ёзилмаган сўзлар қолмади. Лекин аҳвол ўзгармаяпти. Шаҳардаги хунук манзаралар қишлоқларга ҳам кўчиб улгурди. Қўчаларда қатор-қатор ҳам машиналар, тўйларда эса катта маблағ талаб қиладиган “анъаналар” кўзга ташланиб қолди. Одамлар “мен сендан камми?” деган шiorга ўрганишди.

Баъзи тўйларда мусиқанинг шовқинидан ўтириб бўлмайди. Дастурхонга қўйилган ноз-неъматларни истеъмо қилишдан кўра, бу исрофгарчиликка ачина қучли. Меҳмонлар тўй дастурхонига тортилган озиқ-овқат махсулотларининг ўндан бир қисмини ҳам еб уdda қилишолмайди. Буни ҳамма билади, ҳамма кўриб турибди. Бироқ ҳеч ким “Ҳой, биродар, тўхта, бунча исроф Худонинг неъматларига шаккоклик эмасми?” демайди.

Тўйчилардан сўрасанг, улар ҳамма айбни тўйхоналарга ташлашади, тўйхонадагилар эса “Тўй эгаси буюртма берса, мен нима қилай”, дейди. Ёшлардан сўрасанг, ота-онаси ният қилганини айтади. Ота-она эса фарзандининг бошқалардан кам бўлмаслигини истайди. Мана, сизга очик ҳақиқат. Муаммо бор, лекин унинг сабабчисини топа олмайми.

Эҳтимол, тўй масаласида тушунтириш ишларини кўпроқ олиб бориш керакдир. Балки, таниқли зиёлилар, раҳбарлар жойларда биринчи бўлиб ихчам тўй ўтказиб, бошқаларга ибрат кўрсатар, шундай камтар одамларни кўпчиликка ибрат қилиб кўрсатиш керакдир.

**Турди ТУРСУНОВ.**

## 24 та маҳаллада спорт майдончаси қурилади

Жорий йил 11 апрелда давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори имзоланган эди.



Қарорга мувофиқ, Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда республикамиз бўйлаб “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасида 9 спорт туридан оммавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди ва ғолиблар тақдирланди. Унда вилоятимиз ёшлари

10 та олтин, 6 та кумуш, 8 та бронза медални кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида республикада иккинчи ўринни эгаллади. Мусобақанинг яна бир аҳамият-қуриладиган спорт майдончаларининг манзилли рўйхати шакллантирилиб, жойларда қурилиш ишлари бошланди. Жумладан, вилоятимиздаги 24

ли жиҳати, турнирда ғолиб бўлган иштирокчиларнинг маҳаллаларига уч турдаги спорт майдончаларини қуриб бериш белгиланган эди.

Айни кунларда вазирлигимиз томонидан “Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган ёшлар маҳаллаларига

маҳаллада (Ургут туманида 6 та, Иштихонда 4 та, Пайариқда 3 та, Нуробод тумани ҳамда Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида 2 тадан, Оқдарё, Жомбой, Самарқанд, Пахтачи ва Паст Даргом туманларида биттадан) спорт майдончаси қурилади.

Спорт майдончаларини худудларга тақсимлаш, мусобақаларда ғолиб бўлган иштирокчилар эгаллаган ўринлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Бунда биринчи ўринни қўлга киритган жамоа маҳалласида универсал спорт майдончаси қуриб берилади. Мини-футбол ва баскетбол билан шуғулланиш имконияти бўлади. Иккинчи ўринни

эгаллаган жамоа маҳалласида “Streetball” майдончаси ташкил этилади ва волейбол, баскетбол билан шуғулланиш учун ҳам қўшимча имконият яратилади. Учунчи ўрин учун “Workout” майдончаси. Унда “брус крестик”, “турник ва пресс”, “юрюш тренажери”, “пресс учун ўриндик” каби махсус анжомлар бўлади. Бу ерда доимий бадантарбия ва соғломлаштириш машқлари билан шуғулланиш имконияти яратилади.

**Олим СОБИРОВ,**  
вилоят спортни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

**МАТБУОТ УЙИ**

**Zarafshon**

САМАРҚАНДСКИЙ ВЕСТНИК

**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**

**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 463 nusxada chop etildi. Buyurtma . Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56**

**BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61**

**MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.**

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

**Korxonа manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharrir: A.HAYDAROV.**

**Navbatchi: T.SIDDIQOV.**

**Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV.**

ISSN-201667X

9 1772010667009

Sotuvda narxi kelishilgan holda